

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚБОЛИДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ

Сидиков Ҳамид Тошмуродович

*Қарши давлат техника университети “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси
ассистенти
+99888-317-09-70*

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги куннинг энг долзарб мавзуси раҷамли иқтисодиёт ҳақида сўз олиб борилган. Шунингдек, раҷамли иқтисодиётнинг белгилари, кўрсаткичлари ва унинг баҳоланиши ҳамда ЯИМдаги улуши давлатлар мисолида келтирилган. Ўзбекистонда раҷамли иқтисодиётнинг ривожланиши истиқболлари баён этилган.

Аннотация. Данной статье рассказывается о цифровой экономике, которая сегодня является самой актуальной темой. Также на примере стран представлены признаки, показатели и их оценка цифровой экономики, а также ее доля в ВВП. Перспективы развития цифровой экономики в Узбекистане.

Annotation. This article is about the digital economy, which is the most hot topic today. The signs, indicators and assessment of the digital economy, as well as its share in GDP are also cited. The prospects for the development of the digital economy in Uzbekistan.

Таянч иборалар. ахборот технологиялари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ахборотлашган жасият, иқтисодиёт, раҷамли иқтисодиёт, ялпички маҳсулот, улуши, интернет, атама, электрон базалар.

Ключевые слова. информационные технологии, современные информационно-коммуникационные технологии, информационное общество, экономика, цифровая экономика, валовой внутренний продукт, доля, интернет, терминология, электронные базы данных.

Keywords. information technology, modern information and communication technologies, information society, economics, digital economy, electronics, gross domestic product, share, internet, terminology, electronic databases.

Кириш. Маълумки, раҷамли иқтисодиёт ҳозирги мавжуд соҳаларнинг ярмидан кўпроғида бекиёс ўзгаришлар келтириб чиқариши таъкидланмоқда. Жумладан, Жаҳон банки эксперtlари фикрича, тезкор интернетдан фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга кўпайиши миллий иқтисодиётлар ялпи ҳажмини хар йили ўртача 0,4-1,4

фоизга ошириш имконини беради. Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсишининг суръатлари йилига деярли 20 фоизни ташкил этмоқда. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида рақамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта наф кўришмоқда. Хусусан, Америка Кўшма Штатлари йилига 400 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ рақамли хизматларни экспорт қилмоқда. Мазкур давлат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан кўпроги бевосита интернет ва ахборот-телекоммуникация технологиялари билан боғлиқ соҳаларга тўғри келади. 2025 йилгача АҚШ саноатни рақамлаштиришдан қўшимча 20 трлн. доллар даромад олиши кутилмоқда. Бундай иқтисодий самарадорлик, айниқса истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (10,3 трлн. доллар), автомобил саноати (3,8 трлн. доллар) ва логистикада (3,9 трлн. доллар) юқори бўлиши таъкидланмоқда.[3]

Турли тадқиқотлар натижалари бўйича рақамли иқтисодиётнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи 4,5 фоиздан 15,5 фоизгачани ташкил этади. Жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари секторида яратилаётган кўшилган қийматнинг деярли 40 фоизи ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ патентларнинг 75 фоизи Америка Кўшма Штатлари ва Хитой Xалқ Республикаси ҳиссасига тўғри келади.

Тадқиқот методлари. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш имкониятлари иқтисодий таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш усуллари ёрдамида ўрганиш орқали республикамизда рақамли иқтисодиётнинг минтақавий хусусиятлари аниқланади. Ушбу жараёнда эришилган натижаларни хориж тажрибалари билан таққослаш, истиқболда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йўлларни танлашдан иборатdir.

Адабиётлар шарҳи. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XXI асрнинг 90 йилларида американлик дастурчи Николас Негропонте “Рақамли иқтисодиёт” атамасини амалиётга киритди. Ҳозирги кунда бу атамани бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар томонидан - деярли барча қўлламоқда. Бу борада, биринчи бўлиб 2016 йилда Бутунжоҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди. Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиз томонидан рақамли иқтисодиёт терминига таъриф берилган бўлиб, жумладан, академик С.С.Ғуломовнинг фикрича “Рақамли бизнес бу - жисмоний ва рақамли дунёларни бирлаштирадиган янги бизнес-моделлар пайдо бўлишидир”.[4]

Натижалар ва таҳлиллар. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимиdir. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иктисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёsatчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта “Рақамли дивиденdlар” мавзусида маъруза эълон қилди

Рақамлаштиришнинг аҳамияти ва таъсирини қанчалик ортиб бораётганлигини баҳолаш учун сўнгти ўн йилликдаги бир нечта йирик технологик компаниялар ва рақамли платформаларнинг жаҳон бозоридаги капиталларининг улушкини кўриш кифоя. Хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси маълумотларида қайд этилганидек, бу кўрсаткич 2009 йилда 16 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг охирига келиб 56 фоизга етган.

2018 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон хукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5598-сонли Фармони эълон қилинди. [2] Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, “Электрон хукумат” тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шартшароит яратиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясига мувофиқ Фармонда электрон хукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ҳамкорлигини, шунингдек, жаҳоннинг рақамли маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгилаш кўзда тутилган. Лойиҳалар бўйича ягона миллий дистрибуторни ташкил этиш орқали яхлит жараён (ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, келишиш, товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш, шунингдек, уларни фойдаланишга топширишнинг ягона тизими) барпо этилади. Натижада мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллашиб боради, инвестиция иқлами ва ишчанлик мухити яхшиланади.

2018 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон хукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5598-сонли Фармони эълон қилинди. [2] Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш,

“Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шартшароит яратиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясига мувофиқ Фармонда электрон ҳукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ҳамкорлигини, шунингдек, жаҳоннинг рақамли маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгилаш кўзда тутилган. Лойиҳалар бўйича ягона миллий дистрибуторни ташкил этиш орқали яхлит жараён (ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, келишиш, товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш, шунингдек, уларни фойдаланишга топширишнинг ягона тизими) барпо этилади. Натижада мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллашиб боради, инвестиция иқлими ва ишчанлик муҳити яхшиланади.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган. Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи “Рақамли Тошкент” комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Баркарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.[1] “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида рақамли ривожланишнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари сифатида рақамли инфратузилмани, Электрон ҳукуматни, рақамли иқтисодиётни, рақамли технологиялар миллий бозорини ва ахборот

технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

ХУЛОСА. Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном бериш таклифи илгари сурилиши том маънода Ўзбекистон ҳаётида глобал тараққиётга ҳамоҳанг равишда тарихий бурилиш даври бошланганини тасдиқлади. Шунингдек, мамлакатимиз президенти томонидан рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш учун олиб борилаётган ислоҳотлар юртимизни равнақи, иқтисодиётимизни ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш қаратилган бўлиб, Иқтисодиёт, Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларни бажаришлари ҳам Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига хизмат қиласади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони // www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5598-сонли Фармони // www.lex.uz

3. Клаус Шваб. Четвертая промышленная революция. – М., Экмо. 2016. С.30

4. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. - Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019 й

5. “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси // www.lex.uz